

ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“15” Июнь, 2018 й.

Усмонхон АЛИМОВ
“01” Шаввол, 1439 ҳ.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

САВДОДАГИ ҲАЛОЛЛИК – БАРАКА КАЛИТИ

Муҳтарам жамоат! Ислом дини инсонлар ўртасидаги муносабаталарда хашиша адолат, инсоф, ҳалоллик бўлишини талаб этади ва мусулмонларни шунга чақиради. Бу муносабатлар орасида савдо-сотик ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

яъни: “Аллоҳ савдони ҳалол, рибони ҳаром қилди” (Бақара сураси, 275 оят).

Баъзи кишилар савдони рибога ўхшатар эдилар, Аллоҳ таоло уларнинг бу ўхшатишини рад қилиб айтадики, савдо сотик ҳалолдир, рибо эса ҳаромдир. Аллоҳ садақаларни кўпайтиради, рибони йўқотади.

Бошқа оятда эса:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِنْكُمْ وَلَا تَقْتُلُوا
أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا (سورة النساء: 29 آية).

яъни: “Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир” (Нисо сураси, 29-оят).

Ояти каримадаги “Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз!” дегани фақат ейиш эмас, балки, молни мутлақ ноҳақ йўллар билан олишдир.

“ноҳақ (йўллар)”, деганда эса шариятда мумкин бўлмаган ишлар: рибо, қимор, пора, зўрлик билан тортиб олиш, ўғирлик, хиёнат, зулм ва шу кабилар назарда тутилган.

Оятда “Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно.”, дейилди, ўзаро розилик асосидаги тижорат билан молларни тасарруф қилиш мумкин. Чунки мусулмон биродари чин кўнгилдан бермаса, унинг молини олиб, тасарруф қилиб бўлмайди.

Бу ўринда ризқ сабаблари кўп бўлсада фақат тижорат зикр қилинган. Чунки у энг кўп учрайдиган фаолият тури бўлиб, бошқа касблар ҳам унга боғлиқдир.

Муҳтарам азизлар! Маълумки, ислом бир нарсани ҳаром қилса, унинг муқобилига ҳалол нарсани ҳам тақдим қилган. Масалан зинони ҳаром қилди, никоҳни ҳалол қилди. Рибони ҳаром қилди, тижоратни ҳалол қилди. Агар тижоратчи тўғри йўлни тутса, бу касб ниҳоятда пок ва шарафли касбдир.

Бу ҳақида ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу ҳадис ривоят қилинган:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ "التَّاجِرُ الصَّدُوقُ الْأَمِينُ، مَعَ النَّبِيِّينَ وَالصَّدِيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ).

яъни: Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий алайҳиссалом: *“Ростғўй, омонатдор тижоратчи набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир”*, – дедилар (Имом Термизий ривоят қилган).

Мусулмон киши мана шундай улуғ мақомга эришиши учун ушбу касбнинг шаръий қоидаларига амал қилиши керак. Яъни, тижорат билан шуғулланаётган ёки энди иш бошламоқчи бўлган киши тижорат илмини диққат билан ўрганиши керак. Шунинг учун ҳам Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу тижоратчилардан тижорат илмини билишни талаб қилардилар.

Ислом тижоратчига фойда олишни мубоҳ қилди. Фойдани чегаралаб ҳам қўймади, фақат тижоратчи, одамларга зарари тегадиган ишлар: ихтикор (одамлар ва ҳайвонларга зарар етказадиган даражада товарларни босиб қўйиш), нархни жуда ошириб юбориш ва савдодаги алдов каби ишлардан сақланиши керак.

Гоҳида савдогар арзимаган пулларга виждонини сотаётгани, Аллоҳ таолонинг номига ёлғон қасам ичаётганини гувоҳи бўламиз. Бу билан у ўз шарафи ва динини йўқотади ва қуйидаги оятда зикри келганларга ўхшаб қолади.

أُولَئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالْآخِرَةِ فَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ (سورة البقرة: 86 آية).

яъни: “Улар, ҳақиқатан, охират ўрнига (фоний) дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Шундай экан, уларга бериладиган азоб-уқубатлар енгиллаштирилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмагай” (Бақара сураси, 86-оят).

Яна савдодаги энг ёмон иллатлардан бири тарозудан уришдир. Унинг гуноҳи катта эканига Қуръони каримда алоҳида тўхталиб ўтилгани ҳам ёрқин далолат қилади.

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ (1) الَّذِينَ إِذَا اكْتَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ (2) وَإِذَا كَالَهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ (3) أَلَا يَظُنُّ أُولَئِكَ أَنَّهُمْ مَبْعُوثُونَ (4) لِيَوْمٍ عَظِيمٍ (5) يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ (6)

(سورة المطففين: الآية 1-6)

яъни: “(Савдо-сотикда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой! Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир. Улар (ўлгандан кейин) қайта тирилувчи эканларини ўйламайдиларми? Улуғ кунда (қиёматда) – Одамлар (бутун)

оламлар парвардигори ҳузурида (хисоб-китоб бериш учун) тик турадиган кунда?!” (Мутоффиийн сураси, 1-6 оятлар)

Яна бир гуруҳ тижоратчилар бор, улар сифатсиз ва зарарли, таом, ичимлик ва товарларни халққа таклиф қиладилар ва зарар, мусибат келтирадилар. Улар харом лукма (мол) еганнинг борар жойи дўзах эканини унутадилар. Зеро Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам:

عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَانَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْبَيْعِ، فَقَالَ: "يَا مَعْشَرَ التُّجَّارِ حَتَّى إِذَا اشْتَرَيْتُمْ، قَالَ: "إِنَّ التُّجَّارَ يُحْشَرُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَجَارًّا إِلَّا مَنْ اتَّقَى، وَبَرًّا، وَصَدَقَ" (رواه الإمام الترمذي)

яъни: Баро Ибн Озиб розияллоҳу анҳу айтадилар: Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Бақиъга келдилар, **“Эй, тижорлар жамоаси!”**, дедилар. Ҳамма у кишига қаради, шунда у зот: **“Албатта, тижорлар қиёмат кунда фожир бўлиб тириладилар, фақат ким Аллоҳдан қўрқса, солиҳ амал қилса (эҳсон қилса) ва рост сўзласа бундан мустасно”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Бу ҳадиси шариф тижорат шарафли касб бўлиш билан бирга ўта масъулиятли касб эканлигини билдириб турибди.

Тижоратда пул муомаласи кўп бўлганидан, тижоратчилар ичида шариятимиз ман қилган рибо билан иш қилиш ҳам учраб туради. Аллоҳ таоло рибо тўғрисида Оли Имрон сурасида шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ (سورة آل عمران: 130 آية).

яъни: **“Эй имон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама шаклида еб юбормангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангиз”** (Оли Имрон сураси, 130-оят).

Бундай рибонинг энг оддий кўриниши, бир киши иккинчисига қарз беради, вақтида қарзни уза олмаса, унга муддатни узайтиради ва шу муддат эвазига қўшимча пул олади. Мана шу зиёда олинган пул рибо бўлади ва кўпинча қарз берилган маблағдан бир неча баробар ортиб кетади.

Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи васаллам ҳам рибонинг ёмонлигидан, агар у кенг тарқалса, касофати ҳаммага уришиши ҳақида қайта – қайта огоҳлантирдилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا ظَهَرَ الرَّبَا وَالزَّنَا فِي قَوْمٍ إِلَّا أَحَلَّوْا بِأَنْفُسِهِمْ عِقَابَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ" (رواه الإمام أحمد).

яъни: Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Қайси қавмда рибо ва зино зоҳир (очиқ ойдин) бўлса, улар ўзларига Аллоҳ азза ва жалланинг азобини вожиб қилиб оладилар”** (Имом Аҳмад ривояти).

Шунинг учун тижорат аҳли ҳалолни маҳкам тутиши, ҳаромдан узоқ бўлиши, дунёдан кейин охират келиши, у ерда эса, қаердан топдинг, қаерга сарфладинг, деган савол бўлишини эсдан чиқармаслиги лозим. Қолаверса, ҳаром лукма ибодатлар ва дуоларнинг қабул бўлмаслигига сабаб бўлади.

Тижорат аҳли, ўзларига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ва саҳоба розияллоҳу анҳумларни намуна қилиб олишлари, уларнинг ичида тириклигидаёқ жаннат башорат қилинган Абдурроҳман ибн Авф каби беҳисоб мол-мулкка эга бўлган тижоратчилар ҳам бўлганлиги, лекин тижорат уларни Аллоҳнинг зикри ва ибодатидан тўсмаганлигини билишлари ҳам зарур.

Муҳтарам жамоат! Мавъизамизнинг давомида тижоратчиларнинг савдо-сотик жараёнидаги шариатимиз томонидан белгилаб берилган одоблари ва кўрсатмаларидан баъзиларини эслаб ўтамиз.

- ***Ростгўй бўлиш;*** Савдо молини ҳақиқий сифати, нави, жинси, тайёрланган жойи ва сарф-харажати ҳақидаги маълумотларда ёлғон ишлатмаслик даркор.

- ***Кенгфёъл ва саховатли бўлмоқ;***

Сотувчи баҳони пастроқ қилишда ва ўлчашда саховатли бўлишга ҳаракат қилиши, ўз навбатида харидор ҳам қаттиқ шартларни талаб қилиб туриб олмаслиги керак.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***“Қачон сотса, қачон сотиб олса ва қачон ҳақини талаб қилса бағрикенг бўлган одамга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”***, дедилар”. (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривоят қилган).

- ***Савдога қасамни аралаштирмаслик;***

Чунки Савдо пайтидаги ичилган қасам бараканинг кетишига сабаб бўлади.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***“Қасам ичиш савдо молини ўтказувчи, баракани ўчирувчидир”***, дедилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

- ***Садақани кўп қилиш.***

Савдо пайтида бўладиган баъзи камчиликларни ювилиши учун тижоратчи одам кўпроқ садақа қилиб туриши лозим.

Қайс ибн Ғазара розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ***“Эй, савдогарлар жамоаси! Албатта, савдода беҳуда нарса ва қасам ҳозир бўлади, бас уни садақа ила аралаштиринглар”***, дедилар” (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилганлар).

- ***Молиявий муомалаларни ва қарзни ёзиб бориш ва гувоҳ келтириш.***

Тижоратчи одам савдо шартномасини ва қарз олиш ёки бериш жараёнини қайд этиб бориши лозим. Бировга насияга муомала қилганда ва қарз берганда гувоҳларни ҳозир қилиши мақбул ишдир.

- ***Фойда олишда ҳаддан ошмаслик.***

Албатта, савдогар ўз ишидан фойда кўриши лозим. Лекин устама нарх кўйишда ҳаддан ошмагани маъқул. Шариатда сотувчи молни шунчага сотсин ёки сотмасин деб тайин қилинмаган. Лекин, одамларга зулм етадиган даражада ҳаддан зиёд қиммат қилиб сотиш ҳам жоиз эмас. Шунинг учун урфдаги қийматдан ортиқ баҳога сотмаслик лозим.

Аллоҳ таоло Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаётган, иқтисодий соҳада хизмат қилаётган барча юрtdошларимизга ўзи тавфиқ, куч қувват ато қилсин, қиёмат кунда ваъда қилинган улуг аждрларни насиб қилсин. Омин!